ЮКСАК МАРРА ЯҚИН. ҒАЙРАТ, ШИЖОАТ КЎРСАТАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 212 (4928).

26 ОКТЯБРЬ ЖУМА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Гектаридан 50 центнер

ПИСКЕНТ, (телефон орқали олинди). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Пискент районидаги Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи Ҳакимполвон Қодировнинг бугунга қадар ҳар гектар ердан йиғиб олган пахтаси 50 центнердан ошди.

Ҳакимполвон Қодиров бошлиқ бригада аъзолари бу йил 120 гектар ерда деҳқончилик қилдилар. Мўл ҳосил етиштириш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланилди. Мана, бугунга келиб унинг самараси яққол кўриниб турибди. Давлатга 500 тоннага яқин пахта сотилди. Ҳосилнинг 395 тоннаси ёки 80 процентдан кўпроғи машиналар ёрдамида териб олинди.

Бригаданинг механизаторлари Тўлаган Аҳмедов, Комил Алимбоев, Маниоп Кўшаев, Ж. Исаевлар айниқса баракали меҳнат қилдилар. Шунингдек бригаданинг аъзоларидан А. Сатторов, М. Қурбонов ва чевар теримчилардан Раҳбар Ҳасанбоева, Рихси Қосимова, Бувойша Исаева ва Тўти Қурбонова ва бошқаларнинг баракали ҳосил кўтаришдаги ҳиссаси айниқса катта бўлди.

Бригада аъзолари шу кунларда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 55 центнерга етказиш ва давлатга 660 тонна пахта сотиш учун курашмоқдалар. Бригада далаларида ҳали пахта мўл. Бу ҳосилнинг ҳаммаси тўла-тўкис йиғиб олиниб, давлат омборларига топширилмагунга қадар бу азамат пахтакорлар суръатни бир лаҳза ҳам бўшаштирмасликка аҳд қилдилар.



Бўка районидаги Ҳамза номли колхоз заршунослари областда биринчилар қатори ғалаба рапортига имзо чекдилар. Хўжалик пахтакорлари терим суръатини пасайтирмай қолган ҳосилни тезроқ йиғиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Суратларда: чапдан илғор механизаторлар Ш. Валижанов ва Х. Деҳқонов. Ўртада машина теримни пайти. Ўнгда механизатор М. Мирсолиев.

Ж. Тўраев фотолари.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 25 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери, учинчи стун — шу жумладан машина теримн — бир кунлик ўсиш, тўртинчи стун — мавсум бошидан бери.

ОҚҚУРҒОН	1,27	115,56	0,61	122,00
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,55	112,14	0,25	115,59
БЕКОБОД	1,01	107,20	0,41	114,44
БЎКА	1,17	105,83	0,72	110,43
ПИСКЕНТ	0,89	104,26	0,37	102,30
ЧИНОЗ	1,12	101,85	0,81	115,34
ЯНГИЙЎЛ	1,05	101,09	1,39	105,91
Ўрта Чирчиқ	1,26	98,62	0,20	102,06
Область бўйича	1,12	106,50	0,54	112,24

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ЯНАДА ОШИРАМИЗ

Социалистик мусобақанинг кучи шундаки, у ҳамиша илғорларга тенглашишга, бугун кечагидан, эртага эса ундан ҳам яхшироқ, унумлироқ меҳнат қилишга ундайди. Бизнинг бригадамиз бу йил ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб ҳар гектар ердан ҳосил етиштиришда совхоз бўйича биринчи ўринга чиқди. 108 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган эдик. Шу кунга қадар олган ҳосилимиз 38 центнердан ошди. Даладаги қолган ҳосилни тўла-тўкис йиғиб-териб олиб, бу кўрсаткични албатта 40 центнердан оширамиз.

Бригадамиз аъзолари, ғўза парваришн, йиғим-терим ишларини механизациялашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Республикада хизмат кўрсатган механизатор Султон Тошматов ўз агрегати билан 150 тоннага яқин пахта терди. Эгамберди Салимбоев эса икки қаторли терим машинасида 90 тоннадан ошириб хирмонга пахта тўкди. Бу азамат механизаторлар пахтачиликдаги сермеҳнат ишларнинг ҳаммасини механизмлар воситасида бажариб, арзон пахта етиштиришни таъминламоқдалар.

Шу билан бирга бригадамизда ёз бўйи ғўза парваришида самарали меҳнат қилган ва йиғим-теримда унумли ишлаган Мавлуда Жамолова, Шарофат Ҳамроқулова, Инобат Ғоипова ва бошқа қиз-жувонларнинг номини ҳам алоҳида айтиб ўтиш керак. Бу чеварларнинг меҳнати туфайли уруғлик учун ажратилган участкаларда пахта жуда сифатли териб олинди ва давлатга топширилди. Мавлуда Жамолова айниқса ғайрат кўрсатиб меҳнат қилди. Унинг терган пахтаси ҳозирга қадар 7500 килограммдан ошди. Бригадамизда бундай чевар теримчиларнинг сони ўндан ошади.

Мен ўзим ўн йилдан бери шу бригадага бошчилик қилиб келяпман. Партия ва ҳукуматимиз менинг меҳнатларимни юксак тақдирлади. Бултур Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотландим. Бу мукофот албатта фақат менинг меҳнатим учун эмас, балки бутун бригада аъзоларининг меҳнатига берилган баҳодир.

Ўтган йили ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олдик. Бу йил эса 40 центнердан хирмон кўтарамиз.

Биз, совхозларнинг бошқа бригадаларн ҳам ҳосилдорликни ошириш, келгуси йилда ҳар гектар ердан камида 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун социалистик мусобақага ва 40 центнерчилар ҳаракатига қўшилишга чақирамиз.

Биз областимиз ва республикамиз мажбурияти бажарилмагунча, даладаги ҳосил тўла-тўкис йиғиб олмагунча суръатни бўшаштирмаймиз.

Ў. МУБОРАКОВ.

1-«Пискент» совхози, 1-бўлим, 1-бригаданинг бошлиғи.

ТИНЧЛИК УЧУН, ХАЛҚЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси очилди

Совет Иттифоқи пойтахти — Москва ранг-баранг байроқлар ва транспарантлар билан яшнаб кетди. Пойтахт тинчликсевар кучлар анжуманининг қатнашчиларини чин кўнгилдан, самимий ва шодиёна тадбрикламоқда. Бугун миллион миллион ҳолис ниятлиларнинг, ер юзида тинчликни азиз билувчи ҳамма инсонларнинг диққати ва фикри-зикри Москвага қаратилган. Бу ерда, Москвада, 25 октябрь куни тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси очилди.

Тинчлик ҳаракат тарихидаги ана шу жуда муҳим воқеага Жаҳон тинчлик кенгашининг президиуми бир йилдан кўпроқ вақт муқаддам Сантъягода таклиф этган ана шу конгрессни чақириш тўғрисидаги ғояни амалга ошириш юзасидан катта тайёргарлик иши олиб борилди. Тинчлик курашчиларининг жаҳон анжуманини чақириш ғояси барча мамлакатларда кенг кўламда маъқулланди. Конгрессга тайёргарликнинг ўзи турли-туман қараш ва эътиқоддаги миллион-миллион кишиларни бирлаштирувчи юзлаб ташкилотларни жипслаштиришга ёрдам берди. Анжуман қатнашчиларининг состави — бунинг яққол далилидир.

Тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгрессида қатнашмоқ учун 144 мамлакатдан сал кам 3.200 делегат Москвага келди. Улар 1.100 та яқин сиёсий партия, ташкилот ва ҳаракатнинг вакилларидир. 121 та халқаро ва маҳаллий ташкилотнинг раҳбарлари ҳамда вакиллари конгрессда ҳозир бўлдилар.

Кремлнинг Съездлар саройи. Соат 16. Саройнинг катта ёруғ биноси конгресс делегатлари ва меҳмонлари билан лиқ тўлди.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган халқаро тайёргарлик комитетининг аъзолари, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг раҳбарлари, таниқли тинчлик курашчилари президиумга чиқадилар.

Ҳукумат ложасида ҳозир бўлган **Л. И. Брежнев, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, Д. Ф. Устинов, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқларни конгресс делегатлари ва меҳмонлари ўринларидан туриб, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Халқаро тайёргарлик комитети раисининг ўринбосари, халқаро тинчлик бюросининг президенти **Шон Макбрайд** конгрессни кириш нутқи сўзлаб очди. У тинчликсевар кучлар жаҳон конгрессининг барча қатнашчиларини тайёргарлик комитети номидан табриклади. Бу конгресс, — деди Шон Макбрайд, — ҳукумат қарамоғида бўлмаган ташкилотлар ва тинчликсевар кучларнинг энг катта ва энг шонли конгрессидир. Илгари ҳеч қачон бу қадар катта йиғин ўтказилмаган эди.

Шон Макбрайд конгрессда 14 та комиссия ишлашини, бу комиссиялар турли проблемаларни кўриб чиқишини маълум қилди.

Нотиқ халқаро тайёргарлик комитетининг раиси, жаҳон тинчлик кенгашининг бош секретари Ромеш Чандра конгрессинг президенти бўлсин, деб таклиф қилди.

Делегатларнинг қарсаклари остида Шон Макбрайд совет тайёргарлик комитети конгрессни тайёрлаш даврида қилган ишлар учун, совет халқи жаҳон анжумани қатнашчиларини, иззат-икром билан кутиб олганлиги учун самимий миннатдорчилик изҳор қилди.

Халқаро тайёргарлик комитетининг раиси, жаҳон тинчлик кенгашининг бош секретари **Ромеш Чандра** сўзга чиқади.

Ромеш Чандра шу конгрессда раислик қилишдек юксак шараф учун миннатдорчилик билдириб, бой дейди:

Муҳтарам делегатлар, дўстлар, тинчлик, миллий мустақиллик, хавфсизлик, адолат ва социал тараққиёт учун курашдаги сафдошлар,

Азиз ўртоқ Брежнев!

Ҳукуматнинг қадрли раҳбарлари!

Бу ерда Совет Иттифоқи ҳукумати ва Коммунистик партиясининг раҳбарлари ҳозир бўлишган. Бу ерда Совет Иттифоқи халқларининг намояндалари ҳозир бўлишган. Биз ушбу конгрессни бутун дунёда тинчлик ва адолатни ҳимоя қилиш ишида улар бошлаган ташаббус учун Совет Иттифоқи халқлари намояндаларини табриклаш билан бошлаймиз. **(Қарсаклар).**

Тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси ҳам халқаро, ҳам миллий ва маҳаллий минглаб ташкилотлар, партиялар ва группалар томонидан тайёрланиб чақирилди. Урушларни жамият ҳаётидан мустасно қилишга ҳамда жабр-зулм ва эксплуатациядан озод бўлишга интилиб келган инсониятнинг бутун тарихида ҳали ҳеч қачон бундай конгресс ўтказилмаган эди. Бу конгрессни тўла ҳақли равишда дунё халқларининг биринчи бош ассамблеяси деб аташ мумкин. **(Қарсаклар).**

Биз бу конгрессга тайёргарлик кўришга киришганимизда тўрт сўз янги типдаги конгресснинг, мислсиз характерига эга бўлган конгресснинг моҳиятини энг яхши тарзда ифодалаши мумкин, деган эдик, ижозатингиз билан ана шу тўрт сўзни эслатиб ўтаман.

Биринчиси — **биргаликда** деган сўздир. Биз бу конгрессни биргаликда тайёрладик, уни тайёрлашда биз ҳаммамиз, турли ташкилотларга мансуб бўлган ва турли сиёсий маслакларни ифодаловчи кишилар қатнашдик.

Бу конгрессни ва унга кўрилган тайёргарликни характерлайдиган иккинчи сўз — **очиқ** деган сўздир. Бу конгресс унинг мақсадларини қўллаб-қувватловчи, биргаликда ишлашни истовчи, бирлик ва ҳамкорликка интилувчи, «фил суяги минорзси»нинг орқасида қолишни ҳоҳламовчи ҳамма кишилар учун очиқдир.

Бу конгресс инсоннинг энг яхши муддаоларини рўёбга чиқариш учун курашувчиларнинг улуғвор, муътабар ассамблеясидир, ҳамма учун очиқ бўлган ассамблеядир.

Бу конгрессни, халқларнинг ана шу бош ассамблеясини характерлайдиган учинчи сўзи — **диалог** деган сўздир. Биз бир-биримиз билан суҳбатлашишга, бизнинг фикримиздан бошқача фикрда бўлган кишилар билан, бошқача нуқтаи назарга эмас, қилувчи кишилар билан масалаларни муҳокама қилишга интиламиз. Зеро, ҳамма мамлакатларда ўтказилган бутун тайёргарлик иши ана шундай диалогни олиб боришга, ошкора, ҳалол мунозара ўтказишга интилиш руҳи билан суғорилган бўлди.

Тўртинчи сўз — **ҳаракат** деган сўздир. Гарчи бу сўз катта аҳамиятга эга бўлса-да, бу ҳам оддий сўздир. Биз ўз диалогимизни, ўз мунозарамизни, биргаликдаги учрашувимизни диалог олиб боришнинг ўзи учунгина эмас, балки тинчлик, озодлик, халқаро хавфсизлик йўлида, инсон ҳуқуқларини қимоя қилиш, социал тараққиёт йўлида янги ҳаракатлар қилиш учун, ҳамма мамлакатлардаги кишилар мунтазир бўлиб кутаётган неъматларга эришиш учун ўтказамиз.

Бу конгрессни илгари чақиришнинг иложи бўлмаганлигининг сабаби нима? Бундай муътабар йиғилишни чақириш имконияти қандай вужудга келди? Бу саволнинг жавоби оддий ва равшан. Бу типдаги конгресс фақат ҳозирги даврда, халқаро вазиятда янги иқлим қарор топган пайтдагина чақирилиши мумкин эди, бу янги иқлим тинчлик, халқаро кескинликнинг юмшатилиши, тинч-тотув яшаш, миллий мустақиллик ва халқаро хавфсизлик ишидаги ғалабалар билан характерланади.

Бу давр — тинчлик ишининг катта ғалабалари даври бўлди. Шу боисдан ҳам биз ўз конгрессимизни тинчлик иши ғалабалари конгресси, келажакдаги янги ғалабаларни белгилаб берадиган конгресс деб ҳақли равишда атаймиз.

Ҳозир биз, деди сўзини давом эттириб Р. Чандра, биринчи галда Вьетнам халқини, унинг сулҳ шартномаси тузиш билан эришган улуғ ғалабасини ўйлаймиз **(Қарсаклар).** Бу ғалаба Вьетнам халқининг гина ғалабаси бўлиб қолмай, шу билан бирга бутун ер юзидаги халқларнинг ғалабаси ҳамдир. Ҳозир Вьетнам сўзи дунёдаги ҳамма тилларда бир хил янграб турибди. Бу сўз таржимага муҳтож эмас, у: тинчлик, мустақиллик деган маънони билдиради. Бу сўз бошқа халқлар мадад бериб турган, миллион-миллион холис ниятли кишилар қўллаб-қувватлаётган халқни ҳатто энг ваҳшиёна империалистик агрессия йўли билан ҳам йўқ қилиб бўлмайди, деган маънони билдиради.

Бизнинг конгрессимиз иш бошлаётган шу куни ўз зиммамиздаги катта масъулиятни жуда яхши англаб турибмиз. Дунё халқлари тинчлик ва бахт-саодат йўлидаги ҳаракатни қўллаб-қувватлаб чиқишлари, агрессия тўхтатилишини, арабларнинг ерлари араб халқларига қайтариб берилишини, фаластинлик халқларнинг қонуний ҳуқуқлари қайта тикланишини талаб қилишлари мумкин ва лозим. **(Қарсаклар).**

Ваҳший фашистлар тўнтаришнинг қурбони бўлган одамлар ёпасига ўлдирилаётган, қийноққа солинаётган ва ёвузлик қилинаётган мамлакат, қамоқ лагерлари мамлакати бўлиб қолган Чилини ўйлаймиз. Бугун бизнинг қалбларимиз Чили билан ҳамнафас, бизнинг қалбларимиз Чилидаги қаршилик ҳаракати қатнашчилари билан ҳамнафасдир. **(Қарсаклар).** Келинг, шу конгрессимиз: Чили яшай берадн, фашистлар хунтаси ҳеч қачон ғалаба қозонмайди! — деб эълон қилсин. **(Қарсаклар).**

Бугун биз Сальвадор Альенде билан Пабло Нерудани ўйлаймиз. **(Қарсаклар. Ҳамма ўрнидан туради).**

Р. Чандра бутун жаҳонга машҳур бўлган Чили шоири Пабло Неруда тўғрисида завқ-шавқ билан гапириб, унинг шеърларидан парчалар ўқиб берди.

Бугун биз, деди сўзини давом эттириб нотиқ, дунёдаги ҳамма халқлар тўғрисида, хавфсизлик ва ҳамкорлик системасини тузишга ва буюк қитъанинг бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳарбий блокларга бўлинишини тугатишга интилаётган Европа халқлари тўғрисида ўйлаймиз.

Сизларнинг ҳаммангиз каби мен ҳам биринчи галда бизни ўз даргоҳида қабул қилган улуғ мамлакатнинг халқини — Совет Иттифоқини ўйлайман. Бу мамлакат нақадар гўзал, у тинчлик ишига нақадар садоқатли! Бизнинг конгрессимизни тайёрлашда миллион-миллион совет кишилари қатнашдилар.

Ҳамма делегатлар номидан, деди Р. Чандра, мен совет халқига, Совет ҳукуматига, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ҳамда конгрессга катта эътибор бериб, унда шахсан қатнашаётган Леонид Ильич Брежневга яна бир карра самимий миннатдорчилик изҳор қилмоқчиман. **(Қарсаклар).**

Биз конгрессимиз ҳамма кучларимиз ўртасидаги, барча ташкилотларимиз ўртасидаги янги ва янада актив ҳамкорлик учун эшик очди, демоқдамиз. Янги буюк ҳаракат программасини тайёрлаш истиқболлари ойдинлашмоқда, бу программани бажаришда биз ҳаммамиз қатнашимиз мумкин ва қатнашамиз. Биз конгрессимиз иши давом этишини, ҳамкорлигимиз турли шаклларда давом этишини олдиндан кўриб турибмиз.

Қулай фурсатдан фойдаланиб, халқаро тайёргарлик комитетидаги ҳамма шерикларимизга яна бир карра алоҳида миннатдорчилик билдиришга, унинг аъзоларигагина эмас, ажойиб ҳамжиҳатлик руҳини намоён этиб, комитетга мадад бериб турган минг-минглаб кишиларга ҳам конгрессни чақириш ва ўтказиш соҳасида қилган жуда катта ишлари учун миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсиз. Ҳамжиҳатлик, бирлик, дўстлик, ҳурмат, зиммамиздаги катта масъулиятни англаш руҳи конгрессимиз ишида ҳам ҳукм суради деб умид қиламан.

Бу конгресс — тинчлик ҳимоячиларининг конгрессигина эмас, бу — тинчликни қурувчиларнинг конгресси ҳамдир. Янги тинчликни қуриш ва таъминлаш шароитларини яратишда бу конгресс бизнинг олдимизда шонли истиқбол очиб беради!

Азиз делегатлар! Келинглар, ана шу янги тинчликни биргаликда қурайлик. Бундай қилиш мумкинлигига ишончимиз комил. Халқларнинг тинчликни курашиб қўлга киритиш, мустақилликни курашиб қўлга киритиш, ҳар бир одам учун адолатга эришиш қобилиятига амин бўлган эрккаклар ва аёллар шу ерга тўпланишган.

Яшасин жаҳон халқларининг Бош ассамблеясн! **(Қарсаклар).**

Яшасин тинчлик ҳимоячилари ва қурувчиларининг конгресси! **(Қарсаклар).**

Яшасин тинчлик ғалабалари конгрессн! **(Давомли қарсаклар).**

* * *

Шундан кейин нутқ сўзлаган Шон Макбрайд конгресс номига жуда кўп табрикномалар келганлигини айтди. Финляндия бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри Ахти Карьялайнен, Панама ҳукуматининг бошлиғи генерал Омар Торрихос Эррера, Бангладеш Халқ Республикасининг бош министри шайх Мужибур Раҳмон, Либерия президенти Уильям Толберт, Ироқ Республикасининг президенти Аҳмад Ҳасан ал Бакр, Ироқ революцион қўмондонлиги кенгаши раисининг ўринбосари Саддам Ҳусайн, Жанубий Вьетнам Республикаси мувақкат революцион ҳукуматининг раиси Хюнь Тан Фат, Сьерра Леоне Республикасининг президенти Сиака Пробин Стивенс, Вьетнам Демократик Республикасининг бош министри Фам Ван Донг, Кипр Республикасининг президенти Архиепископ Макарриос, Ҳиндистон республикасининг бош министри Индира Ганди, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Людвик Свобода, ЧКП Марказий Комитетининг бош секретари Густав Гусак, Малагасия республикасининг ташқи ишлар министри Дидьде Рациракa, Лаос ватанпарварлик фронти революцион комитетининг раиси Суванавонг, ПБИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Эдвард Герек, Камбоджа давлатининг бошлиғи шаҳзода Нородом Сианук, Болгария Халқ Республикаси давлат кенгашининг раиси, БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков, Ҳиндистон республикасининг ташқи ишлар министри Сваранг Сингх, ВСИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, ГБСП Марказий Комитетининг биринчи секретари Эрих Хонеккер, ГДР давлат кенгашининг раиси Вилли Штоф, ГДР Министрлар Советининг раиси Хорст Зиндерман, ГДР Миллий фронти миллий кенгашининг раиси Эрих Корренс, Миср Араб Республикасининг президенти Анвар Садат, Мали Республикаси давлатининг бошлиғи Мусса Траоре, Гана миллий низо кенгашининг раиси И. К. Ачампонг, Перу Республикасининг президенти дивизия генерали Хуан Веласко Альварадо табриконма йўллаганлар.

Раислик қилувчи Ромеш Чандра конгресс номига табриконма йўллаган ҳамма кишиларга миннатдорчилик билдиради.

БМТ Бош секретарининг ёрдамчиси Хабиб Харра БМТ Бош секретари Курт Вальдхайм номидан, Африка бирлиги ташкилоти бош секретарининг ўринбосари Питер Ону Африка бирлиги ташкилоти номидан, ЮНЕСКО Бош секретарининг шахсий вакили Пьер Либер ЮНЕСКО номидан конгрессни табрикладилар.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси номидан жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари **Пьер Жансус** тинчликсевар кучлар конгрессини табриклайди ва жаҳон касаба союзлари саккизинчи конгрессининг мактубини ўқиб эшиттиради.

Конгресс 26 октябрда ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

Ҳурмат ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш ва давлатга сотиш планларини муддатидан илгари ошириб бажарганликлари учун қуйидаги хўжаликлар область «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»ГА ЕЗИЛДИЛАР

ОҚҚУРҒОН РАЙОНИ

Охунбобоев номли колхоз (раиси **Н. И. Кукса**, партия ташкилотининг секретари **А. Ҳолиқов**, бош агрономи **Х. Худойқулов**, бош инженери **А. Арабов**).

«Ленинград» колхози (раиси **В. И. Пак**, партия ташкилотининг секретари **С. Искандеров**, бош агрономи **А. Кажиров**, бош инженери **К. Усмонов**).

«Коммунизм» колхози (раиси **М. Тўрахўжаев**, партия ташкилотининг секретари **А. Илёсов**, бош агрономи **Усмоналиев**, бош инженер **А. Абдусаматов**).

«Ленинизм» колхози (раиси **А. Кузимбоев**, партия ташкилотининг секретари **А. Узенбоев**, бош агрономи **А. Туленбеков**, бош инженери **Т. Обидов**).

Калинин номли колхоз (раиси **А. Совғабоев**, партия ташкилотининг секретари **У. Музаффаров**, бош агрономи **Ж. Азимов**, бош инженери **Б. Уқтоев**).

БЕКОБОД РАЙОНИ

1-«Далварзин совхози (директори **И. Сотнболдиев**, партия ташкилотининг секретари **М. Кўшмонов**, ишчилар комитетининг раиси **Ж. Жалолов**, бош агрономи **И. Ортиқов**, бош инженери **М. Султонқулов**).

«Коммунизм» колхози (раиси **М. Бекматов**, партия ташкилотининг секретари **Д. Сарнев**, бош агрономи **Ж. Жўраев**, бош инженери **Б. Шерманов**).

2-«Далварзин» совхози (директори **А. Қозоқбоев**, партия ташкилотининг секретари **Н. Жабборов**, ишчилар комитетининг раиси **С. Алиқулов**, бош агрономи **В. Гусарев**, бош инженери **Т. Ҳақбердиев**).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ЎРИШ ВА ДАВЛАТГА ТОПШИРИШ ҲАҚИДА ШУ ЙИЛ 24 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик плани ва қўшимча топширинларни бажарилиши, процент ҳисобида)

Биринчи стун — шоли ўриш, иккинчи стун — давлатга топшириш

Юқори Чирчиқ	100,0	106,6
Янгийўл	100,0	100,5
Бўка	92,7	100,2
Оққўрғон	91,4	97,5
Ўрта Чирчиқ	91,5	103,3
Бекобод	91,1	86,9
Пискент	90,0	103,1
Чиноз	81,0	78,1
Оҳангарон	77,0	89,7
Область бўйича	91,8	95,2

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ИҒИЛИШЛАРИ

АКТИВЛИК ВА ЖАНГОВАРЛИК УЧУН

Янгийўл райони механизаторлари бу йил етиштирилган ҳосилни 25 минг тоннасини фақат «зангори кема»лар билан териб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Механизаторлар ҳам, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ходимлари ҳам машина теримига олдиндан пухта ҳозирлик кўришди. Бирлашма коллективи терим агрегатларини тез ва соз ремонтдан чиқариб, колхоз ва совхозларга тақдим этди.

Бирлашмада ремонтчилар, синовчилар ва фойдаланувчиларнинг катта отряди меҳнат қилмоқда. Коллектив ўртасида ўзаро социалистик мусобака кенг қулоч ёйганлиги, илғор тажрибалар қўлланилаётганлиги туфайли ремонт ишлари суръати тобора ошиб, сифати яхшиланмоқда. Бирлашма партия ташкилоти ҳисобидаги 38 коммунист мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Ҳисобот даврида илғор ишчилардан И. Пўлатов, Р. Ҳолбеков ўртоқлар партия аъзолигига қабул қилинди. Коммунистларнинг йиғилишида партиямиз съезди ва Марказий Комитет пленумларининг қарорлари, оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Йиғилишларда қабул қилинган қарорлар коммунистлар активлигини янада оширишга хизмат қилди.

Бирлашма коллективи тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ўз зиммасига оширилган мажбурият олиб, меҳнат қилмоқда. Тўққиз ойлик ишлаб чиқариш топшириғи 106,1 процент адо этилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, техника хизмати кўрсатиш, маҳсулотни реализация қилиш планлари ҳам муваффақиятли адо этилди. Бу ютуқларнинг ҳаммаси коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида бирлашма партия ташкилоти секретари С. Абдураимов қилган докладида тўла ўз аксини топди.

Бирлашманинг Ғаниев, Алимов, Коренюк ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг аъзолари эришилган муваффақиятга айниқса кўп ҳисса қўшдилар. Ишлаб чиқаришга партиявий таъсирнинг кучайганлиги ҳисобот даврида яққолроқ сезилади. Ремонт устахонасида 13 коммунист, машина-мелиоратив отрядида 6 коммунист меҳнат қилмоқда. Бошқа участкаларда ҳам коммунистлар асосий куч ҳисобланади. Партия ташкилоти турли иш форма ва методларидан фойдаланиб, омма эътиборини коллектив олдида турган вазифаларга қаратиб келди. Ўтказилган лекция ва докладлар, сиёсий ахборот ва суҳбатларда иш якунлари шарҳлаб қўшимча вазифалар белгиланиб борилди.

Коммунистлар меҳнат қилиш билан бирга ўз сиёсий ва иқтисодий билимларини оширишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Ўтган ўқув йилида 24 коммунист иқтисодий билим асослари тўгарагида таълим олди. Бошқа коммунистлар ва партиясизлар ҳам ўқувнинг турли формаларига жалб этилди.

Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан бирлашма комсомол ташкилотининг секретари Т. Абдуллаев, электрослесарь И. Рязанов, назоратчи инженер Л. Жданова, бош экономист С. Ан ва бошқа ўртоқлар ҳам ҳисобот даврида омма орасида олиб борилган ташкилий-тарбиявий ишлар анча самарали бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Айни пайтда бажарилмай қолган вазифаларни ҳам тилга олдилар. Бирлашма жамоат ташкилотлари жанговарлигини ошириш устида партбюро етарлича ғамхўрлик қилмаяпти. Айрим участкаларда коммунистлар активлиги сезилмаяпти. Шунинг натижасида механизациялашган отряд коллективи тўққиз ойлик планни бажара олмади. Силос йиғадиган комбайнлар ремонти ҳам ўлда-жўлда қолиб кетди.

Коллектив ўртасида ҳали ҳам меҳнат интизоми бузилиб турибди. Ўтган ойларда прогулчилар ва бракчилар айби билан 109 ишчи куни йўқотилди. Партия йиғилишларида танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришга, қабул қилинган қарорларни тўла ижро этишга эътиборсизлик қилинмоқда.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида яна кўпгина танқидий мулоҳазалар ўртага ташланди. Музокарада қатнашган коммунистлар йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга ёрдам берувчи фикрларни билдирдилар. Янги сайланган партбюро аъзолари коммунистларнинг танқидий мулоҳазаларини атрофлича ўрганиб, янги йилда ўз фаолиятларида ижобий ўзгаришлар ясашлари керак.

И. СРИБНИЙ.

Хўжалик йилини яхши якунлайлик

Тўққизинчи беш йиллик ҳал қилувчи йилининг уч кварталига якун ясалди. Ана шу давр мобайнида областимиз саноат корхоналарининг коллективлари эўр ғайрат-шижоат ва кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдилар. Давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун ёрдам берадиган омилларни қидириб топиш ва ишга солишга астойдил ҳаракат қилдилар. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнатини камайтириш, ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш соҳасида кўрилган кўпдан-кўп тадбирлар иш унумдорлигининг ошишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига, таннархнинг камайишига ва бошқа ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг юксалишига олиб келди.

Областимиз саноат ходимларининг ўтган тўққиз ой давомидаги фаолиятлари натижалари яққол уни кўрсатиб турибди. Давлат планлари муваффақиятли бажарилмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари учун белгиланган маҳсулотни реализация қилиш давлат топшириғи областимиз саноатида 102,5 процент (Тошкент шаҳридан ташқари) қилиб адо этилди. Қўшимча халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ўнларча миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди. Реализация ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 6,7 процент ошди.

Саноатимизнинг қатор тармоқлари, айниқса халқ хўжалигида техника тараққиётини ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга таъминловчи соҳалари илдам суръатлар билан юксалаётганлиги мақтовга сазовордир. Масалан, электр энергетика, машинасозлик ва металл ишлаш, химия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 9,5 — 13,5 процент кўпайди.

Шуниси диққатга сазоворки, областимизнинг барча шаҳар ва районлари саноатчилари давлат планларини муваффақият билан бажармоқдалар. Айримлари эса юксак натижаларга эришишмоқда. Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ, Бўка, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ районлари шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири тўққиз ойлик топшириғидагига қўшимча юзларча минг сўмлик турли-туман маҳсулотларни реализация қилдилар.

Саноат маҳсулотини белгиланган ассортимент бўйича ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлар ҳам чакки эмас. 47 хил маҳсулотни натурада ишлаб чиқариш тўла ва знёдаси билан адо этилди. Айниқса энергетиклар, металлургларг, машинасозлар, кимёгарлар, цементчилар баракали ишлашмоқда. Улар фидокорлик кўрсатиб ишлаётганликлари туфайли катта-катта меҳнат зафарларини қучмоқдалар. Шу туфайли ҳам тўққиз ойда топшириқдагидан ташқари 180 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияси ҳосил қилинди, 121 минг тонна кўмир қазиб чиқарилди, 1,8 минг тонна пўлат, 5,3 минг тонна прокат, 70 минг тоннадан кўпроқ цемент тайёрланди. Она-Ватанга қўшимча 145 минг сўмликдан кўпроқ химия асбоб-ускуналари, 178 минг сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, 34,6 минг тонна минерал ўғитлар, минглаб тонна олтингугурт кислотаси ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Саноатнинг кенг истеъмол товарлари ва аҳоли учун озиқ-овқатлар ишлаб чиқарувчи соҳаларида ҳам иш жадал суръатлар билан бормоқда. Шу туфайли ўтган уч квартада совет кишиларининг эҳтиёжлари учун белгиланганга қараганда 40 минг жуфт чарм пойафзал, 134 минг сўмлик мебель, 150 тоннага яқин нонбулка маҳсулотлари, 2700 тоннадан кўпроқ қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари кўп етказиб берилди.

Қатор маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда анча ортди. Бу кўрсаткич электр энергияси ҳосил қилишда 9,5, кўмир қазиб чиқаришда 8,4, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришда 12,7, олтингугурт кислотаси тайёрлашда 26,4, ғўшт ишлаб чиқаришда 10,2 процентни ташкил этди. Қатор саноат маҳсулотлари, жумладан прокат, кўмир, минерал ўғитлари, цемент, дераза ойнаси ишлаб чиқариш йиллик мажбуриятлари ҳозирнинг ўзидаёқ тўла ва ошиғи билан уддаланди.

Саноатчилар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш бўйича зиммаларига юклатилган вазифаларни знёдаси билан бажардилар. Иш унумдорлиги тўққиз ойда планда-

ОЙЛИК ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

гига нисбатан икки процент, сентябрь ойида эса 4,7 процент ошди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,1 процент ортди. Бу муҳим кўрсаткичда Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Пискент районлари саноат корхоналарининг коллективлари яхши натижаларга эришишди.

Январь—август ойлари мобайнида товар маҳсулоти таннархини камайтириш плани ортиғи билан адо этилди ва қўшимча 2 миллион 400 минг сўмликдан кўпроқ маблағ тежаб қолинди. Бунга Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Оққўрғон, Пискент, Бўстонлиқ, Бекобод районлари саноат ходимларн салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, чирчиқликларнинг бу соҳада қўлга киритаётган ютуқлари самарали бўлмоқда. Электр энергияси, турли хил материаллар ва хомашёларни тежаб-тергаб сарфлаш, бу соҳада яхши кўрсаткичларга эришаётган коллективлар ва айрим ходимларни моддий ва маънавий томондан рағбатлантириш яхши йўлга қўйилганлиги учун ҳам саккиз ойда 812 минг сўмлик жамғарма олинди. Ангрен шаҳри бўйича эса иқтисод қилинган маблағ миқдори салкам 400 минг сўмни ташкил этди. Оққўрғон саноат корхоналари коллективлари товар маҳсулоти таннархини камайтиришдан 755 минг сўм, Пискент районида 683 минг сўм, Бўстонлиқ районида 500 минг сўмликдан кўпроқ, Бекобод районида эса 480 минг сўмлик жамғарма олди.

Областимиз саноатчилари қўлга киритган ютуқлар ҳаммамизни қувонтиради. Лекин айни вақтда уларнинг фаолиятида катта-катта камчиликлар ва нуқсонлар ҳам содир бўлди. Маҳсулот ва унинг энг муҳим турларини реализация қилиш планини бажармаётган, ишлаб чиқаришнинг бошқа технико-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга эришмаётган корхоналар ҳали анчагина бор. Қатор районлар саноат корхоналари коллективлари тўққиз ойлик реализация планини бажарганлари ҳолда сентябрь ойи топшириғини уддасидан чиқмадилар. Оққўрғон районидаги саноат корхоналари ойлик планни 99 процент, Бекобод саноатчилари 63 процент, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Пискент районлари корхоналарининг ишчи-хизматчилари 95,2 процент қилиб адо этдилар. Бу билан улар саноатчиларимизнинг сентябрь ойидаги иш натижаларининг янада салмоқли бўлишига салбий таъсир кўрсатдилар.

Умуман областимиз бўйича 16 корхона маҳсулот реализация қилиш тўққиз ойлик планини бажармади. Бунинг оқибатида давлатга белгиланганига нисбатан 2,5 миллион сўмлик кам маҳсулот етказиб берилди. Бир қанча муҳим маҳсулот турлари тайёрлаш плани адо этилмади. Натижада давлатдан 4 миллион дона бинокорлик ғишти, 510 тонна совун, юзлаб тонна карбомид, салкам 10 минг кубометр тилинган тахта, 2500 тубдан ортиқ консерва қарз бўлиб қолдилар. Ҳатто қатор маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига қараганда ҳам камайиб кетди.

Областимизда меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳар бир ишловчи ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилмаётган корхоналар сони камаймаётганлиги ташвишли бир ҳолдир. 30 корхона бу муҳим кўрсаткич бўйича оқсаб келаяпти. 27 корхона эса ҳар бир ишловчи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришда ўтган йилги кўрсаткичдан ҳам орқада қолмоқда.

Маҳсулот таннархини камайтириш ўрнига ошириб юбораётган корхоналар сони 30 дан ҳам ошиб кетди. Бу билан улар бир неча миллион сўмлик давлат маблағининг фойдасиз сарфланишига йўл қўйдилар. Айниқса, Олмалиқ конметаллургия комбинати ҳаммадан кўп зарар кўраяпти. Чирчиқдаги биргина трансформатор заводи маҳсулот таннархини 431 минг, Оҳангарон ун комбинати 250 минг, 160-қурилиш трестининг бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи комбинати эса 281 минг сўмлик ошиб кетишига йўл қўйдилар.

Тўққизинчи беш йиллик учинчи йилининг ҳал қилувчи квартали бошланди. Квартал топшириғини ва бу билан хўжалик йили планини ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларнинг бекамкўст бажарилиши кўп жиҳатдан саноатчиларнинг ана шу кварталдаги ишларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам барча завод ва фабрикаларда, комбинат ва фирмаларда қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишга қаратилган тадбир-чораларни амалга ошириш даркор.

Беш йилликнинг зарбдор қурилиш объектларидан бири Олмалиқ химия заводи қурилишининг иккинчи навбати тез суръатларда қад кўтармоқда. Бу ерда самарали меҳнат қилаётган зарбдорлар ҳар куни қувончли натижаларни қўлга киритишмоқда. Суратда: илғор монтажчилардан (чапдан) Ш. Нигматов, А. Чамбо ва В. Кваша ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар кунлик ишлаб чиқариш нормаларини ортиғи билан адо этмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

ОБЛАСТИМИЗДА ЯГОНА

Областимиз шаҳарларида барпо этилаётган дорихоналар сони йил сайин ортиб бормоқда. Яқинда Чирчиқ шаҳрида катталиги жиҳатидан областимизда ягона ҳисобланган икки қаватли дорихона ишга туширилди. Дорихонанинг биринчи қаватида дориларнинг 80 проценти тайёр ҳолда сотилади. Унинг иккинчи қаватида эса рецепт асосида дори тайёрланади. Ўтиздан ортиқ фармацевт дорихонада хизмат қилади. Беморларнинг уйига дори элтиб берадиган махсус машина ажратилган.

Шунга ўхшаш дорихоналар областимизнинг «Қибрай» посёлкасида ва Пискент районининг марказида ҳам ташкил этилади. Дорихоналарни жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар Чехословакия, Венгрия ва Украинадан келтирилмоқда.

КАТТА САМАРА

Пойтахтимиздаги экскаватор заводининг азамат ишчилари Улуғ Октябрь байрамолди социалистик мусобақасини қизитиб юбордилар. Улар шу кунларда олинган мажбуриятларни муддатидан олдин бажариш учун астойдил ҳаракат қилятилар.

Заводда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда тежамкорликка катта эътибор берилмоқда. Бунда корхона рационализатор ва ихтирочиларининг хизмати катта бўляпти.

Ҳал қилувчи учинчи йилда рационализаторлар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтиришга қаратилган ўнлаб таклифлар киритдилар. Уларнинг кўпларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши натижасида ўтган 9 ой мобайнида 52,5 минг сўм иқтисод қилинди.

А. Шутов, А. Куришкин, Р. Толстоног, В. Зайцев, Н. Кателин каби кўплаб новатор ишчиларнинг таклифлари заводга кўплаб иқтисодий самара бермоқда.

Биргина А. Шутовнинг экскаватор чўмичи конструкцияси тузилишига киритилган ўзгартиши 2229 сўмни, ҳамда йилига 111 тонна прокат, 42 тонна қўйилмани тежаб қолиш имконини беради. Бу таклиф туфайли чўмичи тайёрлашга кетадиган вақт 1 соатга қисқарди. Шунингдек, А. Куришкин киритган таклиф эса 1559 сўмлик иқтисодий самара беради.

Х. ИЛҲОМОВ.

Эл дастурхонига

Ғазалкент консерва заводининг мева консервалари ва шарбатлари ишлаб чиқариш цехи коллективи тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йили планини муддатидан уч ой илгари — 1 октябрда ортиғи билан адо этди. Улар ўтган тўққиз ой ичида пландаги 5 минг 400 ўрнига 5 минг 477 туб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Илғорлар цехлараро таъсис этилган кўчма Қизил байроқни йил бошидан бери ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар.

— Турли миллат вакилларидан иборат цех ишчилари бир, бирлари билан жуда аҳил ва иноқ. Улар бир ёқадан бош чиқариб, жон қуйдириб ишлашади. Уларнинг ҳар бири ўз касбига меҳр қўйган. Цехда социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган, унинг натижаси ҳар ҳафта ва ой охирида якунланади ҳамда эълон қилиб борилади. Илғорлар моддий ва манавий рағбатлантирилади.

Цехнинг реконструкция қилиниши ҳамда янги поток линиясининг ишга туширилиши коллектив учун жуда қўл келди, қўл меҳнати икки баробар енгиллашди, ишлаб чиқариш унумдорлиги кескин ортиб, маҳсулот сифати анча яхшиланди, мева шарбатлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тошбуви Машрапова, Нина Гумировалар бундай ишлашнинг сир-асрорларини тез кун ичида пухта ўзлаштириб олишди. Улар олма шарбатини ишлаб чиқариш бўйича олган смена мажбуриятларини ортиғи билан ўринлашяпти. Уларга мусобақадош бўлган Майсара Жамилова, Фотима Низомова сингари меҳнатсеварлар эса ҳар хил мевалардан мураббо, джем, повидоларни кўплаб ишлаб чиқаришга эришмоқдалар.

Меҳнат муваффақияти калитини аҳилликдан топган цех азаматлари аҳолига мева консервалари ҳамда шарбатларини кўплаб етказиб бериш учун шу кунларда янада зўр ғайрат-шижоат кўрсатиб ишламоқдалар. Уларнинг мақсади йил охирига қадар планга қўшимча кўплаб банка мева консервалари ҳамда шарбатларини аҳоли дастурхонига армуғон этишдир.

Ф. НУРМАТОВ,
Бўстонлиқ райони.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида Тошкентдаги лак-бўёқ заводининг коллективи мусобақа байроғини кун сайин баланд кўтариб давлат плани ва мажбуриятларини беками-кўст адо этишга ҳаракат қилмоқда.

Ишчилар йил давомида пландан ташқари 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга аҳд қилишган эди. Куни-кеча бу ваъда ортиғи билан бажарилди. Ўтган тўққиз ойда пландагига қўшимча 860 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мазкур корхонада цехлараро социалистик мусобақа намунали йўлга қўйилган. Бунда биринчи ва учинчи цех ишчилари пешқадамлик қилишяпти. Бу цехларнинг И. Ҳамидов, Е. Яковлева, Т. Қирғизбоева, И. Юмагулов каби ўз касбининг усталари зарбдорчасига меҳнат қилиб, смена топшириқларини доимо ортиғи билан адо этишмоқда. Ана шундай ишлаб чиқариш илғорларининг самарали меҳнати натижасида заводда меҳнат унумдорлиги 2 процент ортди. Шунинг учун ҳам мазкур завод коллективи Тошкент область нефть-газ ва химия саноати корхоналари ўртасида меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан бораётган социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Завод ишчилари тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Масалан, ўтган тўққиз ой мобайнида 185 минг киловатт-соат электр энергияси, 500 геко-калория иссиқлик энергияси иқтисод қилинди.

Завод партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ўзаро мусобақани қизғин тус олишга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бу ерда ғолибларни рағбатлантиришнинг турли формаларидан кенг фойдаланилмоқда. Илғор цех, бригада ва участка коллективлари мунтазам суръатда кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти билан тақдирланмоқда.

Шунинг учун ҳам заводда қўлга киритилаётган иш натижалари қувончли бўлмоқда.

И. ХОТАМОВ.

ЗАВОД МАРКАСИНИНГ ШАРАФИ УЧУН

«Узбекхиммаш» заводи касабасоюз ташкилотининг тавсиясига биноан шу корхона маъмурияти ишлаб чиқаришнинг бир гуруҳ пешқадамларига маҳсулот сифатини ўзлари контроль қилиш ҳуқуқини берди. Булар орасида фрезерчи А. Камолов, парма ловчи Р. Мамедов ҳамда байрам олди меҳнат вахтасининг бошқа иштирокчилари бор. Ана шу кишиларнинг ва шунга ўхшаш мусобақада муваффақиятга эришган элликдан ортиқ энг яхши машинасознинг тамғаси қўйилган иш бенуқсонлиги учун биринчи марта тақдим этилиши билан заводда қабул қилинаверади.

(ЎзТАГ).

812 МИНГ СЎМ ТЕЖАЛДИ

Чирчиқ шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бораётган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этмоқдалар. Ҳар бир корхона коллективи зиммага олган юксак мажбуриятларни бекаму кўст бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқда, ички резервларни қидириб топишга интиляпти, социалистик мусобақани тобора авж олдиряпти.

Шу туфайли шаҳар саноатчилари давлат планларини ой сайин ортиғи билан адо этмоқдалар. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида топшириқдагидан ташқари бир неча миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Айниқса, тежамкорликда яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Аксарият саноат корхоналарида материаллар ва хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш, тежамкорлик учун курашнинг авж олиши, бу соҳада яхши натижаларга эришган коллективлар ва айрим ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилганлиги ажойиб самара бермоқда. Шу туфайли ҳам ўтган тўққиз ойда 812 минг сўм қўшимча жамғарма олинди.

Бешйиллик зарбдорлари

Тошкент агрегат заводининг ҳар бир участкасида келаси йил ҳисобига меҳнат қилаётган илғор ишчиларни учратиш мумкин. Иккинчи цех аъзоси Хамидулла Турдиев ҳам ана шундай ишлаб чиқариш илғорларидан. У кунлик нормасини 130—140 процент бажариб, 1974 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Беш йиллик планини муддатидан илгари адо этган Анвар Обидов Тошкент чинни заводи коллективи ўртасида катта иззат-ҳурмат топган. Суратда: чиннига гул солиш цехи ишчилари А. Обидов ва Д. Умарова иш устида.

В. Сироткин ва Ж. Тўраев фотолари.

ШОЛИЗОР ШАЙДОЛАРИ

Қаршимизда совхознинг уфққа туташ кенг шоли пайкаллари. Соч ўримини эслатувчи шоли бошоқлари кишн кўзини қамаштиради. Олтин бошоқлар мўллигидан тиралиб ётипти. Шолизор ўртасида учта ўзиюрар комбайн сузиб келаяпти.

— Мана шолизорларимиз, комбайнчиларимиз ҳам иш бошида экан, — деди ҳамроҳимиз Оққўрғон районидаги «Коммунизм» совхози 3-бўлимининг бошлиғи Абдуғани Имомов шоли пайкалларига ишора қилар экан.

Ҳа, шолизорда қайноқ меҳнат ҳукмрон. Ҳосил ўрим-йиғимн қизғин боripти. Бўлим бошлиғи ибораси билан айтганда бу ердаги шоли майдонларига комплекс ишлов бериш механизациялаштирилган. Майдонларни текислашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар ҳамма иш жараёнлари механизация ёрдамида олиб борилаётир. Шолини йиғиштириб олаётган механизаторлар иши билан танишдик. Уларда шолини қўлда ўриб янчишга чек қўйилибди. Комбайнчилар бир йўла ўради-янчиди, шоли етиштиришда техникани жорий этилиши бир қанча қўл меҳнатини енгиллаштиришга олиб келаётганлиги сир эмас.

Шу кунларда бўлимдаги 100 гектар шолини йиғиштириб олишда 4 та комбайн ишлаб турипти. Комбайнларни Тошмурод Абдужалилов, Ҳаким Имомов, Н. Жуков, С. Юсуповлар бошқараяпти. Агрегатларни бенуқсон техник ҳолатда ишлашни механик Камол Туранов назорат қилиб турипти. Уларга барча шароитлар яратилган. Комбайнчиларнинг ҳар бири кунига 2—3 гектар майдондаги шолини ўриб-йиғиб олиб, давлатга топширишаяпти.

Чиндан ҳам шолизор шайдолари ғаниматдақиқалардан унумли фойдаланиб иш суръатини оширишаяпти. Ҳар бир комбайнчининг кунлик иш унуми мўлжалдагидан анча ошмоқда. Хўжалик шоликорлари беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида пландаги 35 ўрнига 40 центнердан, жами 400 тонна шоли етиштиришга аҳд қилишган.

Халқимизда ваъда вафоси билан деган ажойиб нақл бор. Совхоз комплекс механизациялашган шоличилик бригадаси ишчилари техникага таянган ҳолда олинган мажбуриятни шараф билан бажарадилар.

Ғ. ТОЖИБОЕВ.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Полярная звезда» колхози шоликорлари бу йил ғайрат кўрсатиб меҳнат қилдилар ва юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. Уни ўриб-йиғиб олишда механизациядан унумли фойдаланилди. Суратда: (ўнгда) комбайнчи Н. Тоиров. У ҳар куни 20—25 тоннадан шоли янчиб, нормасини ошириб бажаряпти. (Чапда) тайёрлаш пункти.

А. Абалян фотоси.

ФЕРМА ЮЛДУЗИ

— Ҳар бир соғин сигирдан 3000 литрдан сут соғиб оламан. Зиммадаги мажбуриятимни шу йилнинг 10 декабригача бажараман!

Дзержинский номли колхозда ферма юлдузи деб ном чиқарган, район Советининг депутати Заргул Мелибоеванинг бу йилги шахсий мажбурияти шундай. Колхоз сут-товар фермаси коллективи аъзолари орасида ўзининг меҳнатсеварлиги билан обрў-эътибор топган Заргул мажбуриятини бажариш учун тинимсиз меҳнат қилмоқда.

Заргул Мелибоевага 25 бош соғин сигир бириктилган. Ҳозиргача ҳар бир сигирдан 2000 литрдан серқаймоқ сут соғиб олиб, ҳамкасблари орасида пешқадамлик қилмоқда.

Моҳир сут соғувчи фермага эрта тонгда келиб, сигирларни рацион асосида боқиб, меҳр билан парвариш қилади, ўз вақтида суғориб, вақтида сайр қилдиради. Ҳар бир соғин сигирдан кунига 10—12 литрдан серқаймоқ сут соғиб олмоқда.

Хўжалик чорвадорлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида давлатга 150 тонна гўшт, 540 тонна сут етиштириш учун курашмоқдалар. Уларнинг қилаётган меҳнати мажбуриятнинг сўзсиз бажарилишидан далолат бериб турибди. З. Мелибоева хўжалик сут чашмасига ўзига бириктилган сигирлардан 75 тонна сут соғиб олиш билан муносиб ҳисса қўшмоқчи.

Ф. ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Бекобод райони.

БЕКОБОДЛИКЛАР ШИЖОАТИ

Сермазмун воқеаларга, улкан ютуқларга бой бўлган улуғвор тўққизинчи беш йилликнинг учинчи зарбдор йили Бекобод районн пахтакорлари учун ҳам катта муваффақиятлар йили бўлмоқда. 19 октябрда улар дастлабки маррани эгалладилар. Дастлабки марра деган ибора шу район пахтакорларининг сўзи. Улар «Халқ хўжалиги планини бажариш — вазифамиздир. Мажбуриятимизни бажариш эса Ватан, партия ва халқимиз олдидаги бурчимиздир» дедилар.

Давлат тайёрлаш пунктларига ҳозирга қадар 50 минг тоннадан ортиқ Бекобод «оқ олтин»и етказиб берилди. Йиғим-терим ҳамон юқори суръат билан боряпти. Кунига 2 процентдан ошириб пахта тайёрланмоқда. Бу суръат Бекободнинг саҳий далаларидан 60 минг тоннадан ошириб пахта йиғиб олиниб мажбурият бажарилмагунча, ҳар туп гўзадаги, ҳар дона чаноқдаги бебаҳо бойлигимиз тўла-тўкис териб олинмагунча сира бўшаштирилмайди. Сўзи билан иши бир бекободлик пахта усталарининг аҳди, ғайрат-шижоати ана шундай.

Район хўжаликларида кейинги уч йил ичида пахтачиликни ривожлантириш соҳасида эришилган ютуқлар билан танишсангиз, қуйидаги рақамларга кўзингиз тушади.

1970 йилда ялпи ҳосил 45.200 тонна, шундан машинада терилгани 15.000 тонна, 1971 йилда бу кўрсаткичлар 49 минг ва 28 минг тоннани, 1972 йилда эса 53 минг ва 31 минг тоннани ташкил қилди.

1973 йилда эса ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосили 1970 йилдагига нисбатан 8-9 центнерга кўпаяди. Район механизаторлари машиналар билан бу йил 40 минг тонна пахта териш мажбуриятини олганлар. Бу кўрсаткич анча ошириб бажарилади. Район далаларида 400 та терим машинаси унумли ишламоқда. Йиғим-теримнинг энг долизарб кунларида ана шу машиналардан самарали фойдаланиш туфайли 5—6 процентга етказиб пахта тайёрланди. Аввалги йилларда район бўйича бундай юқори кўрсаткичга сира эришилмаган эди.

Райондаги мавжуд терим агрегатларининг ҳар бири билан ўрта ҳисобда 95 тоннадан пахта терилиб, машина терими плани 15 октябрдаёқ бажарилди. Район мутахассисларининг ҳисоблашича, терим агрегатларининг иш унуми бу йил район бўйича ўрта ҳисобда 100 тоннадан кам бўлмайди.

Районнинг юқори ҳосил усталари, моҳир механизаторлари билан суҳбатда бу йилги ютуқларнинг боиси тўғрисида сўз очилса, улар «чигитни ҳамма майдонларга кенг қаторлаб экишнинг самараси, «Тошкент» навли янги чигитнинг шарофати» деб жавоб бердилар. Тўғри, деҳқончиликда прогрессив усулларнинг аҳамияти бениҳоя катта, албатта. Лекин ҳар қандай прогрессив усул, аввало кишиларнинг ғайрат-шижоати ва ташаббуси билан бирга қўшиб олиб борилсагина, кутилган натижани беради. Район пахтакорлари бу йил чиндан ҳам фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар.

Ўтган йили районда 40 центнерчи бригадалар сони бор-йўғи олтита эди. Бу йил эса 45 та бригада ва иккита бўлим қирқ-эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилиб юксак мажбурият учун курашмоқдалар. 1-«Далварзин» совхозининг Бобохон Отахонов бошлиқ бригада аъзоларининг ишлари айниқса диққатга сазовор. Бу бригада саккиз иш кунида машиналар шарофати туфайли 35 центнердан ҳосил йиғиб олиб планни бажарди. Бобохон ота пенсияда бўлишига қарамасдан, юқори ҳосил етиштириш соҳасидаги ўз тажрибаларини ёшларга ўргатиш мақсадида бригадага бошчилик қиляпти. Шу кунларда бригада аъзолари ҳар гектардан олинадиган ҳосилни 50 центнердан ошириш учун курашмоқдалар.

Ойбек номли совхознинг Ўтан Қаршибоев ва Валлан Тўхтабоев ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам элликцентнерчилар ташаббускоридир. Бу совхоз далаларида бўлганимизда пахтакорларнинг: совхозимиз ҳурматли шоирмиз Ойбек домла номига қўйилганидан бери ҳар йили планимизни ошириб бажаряпмиз», деб фахрланиб, ғурурланиб айтилган сўзларини эшитдик.

Забардаст адибимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг номи совхоз миришкорларига гўё қанот бахш этгандек бўлаяпти. Ҳосилдорликда ҳозир районда бу совхоздан ўтадиган хўжалик йўқ. Бўка—Бекобод автомобиль йўлининг битказилиб ишга туширилиши совхознинг ривожланишида катта омил бўлди. Мутахассислар ерларни ўзлаштириш билан бирга йўл қуриш тараддудини ҳам кўраяптилар. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг вазни ва сифати кўп жиҳатдан унинг ўз вақтида ташиб олинишига боғлиқ.

Гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилган иккита бўлим ҳам шу совхозда. Булар 1- ва 4-бўлимлардир. Уларнинг ҳар бирига 420 гектардан пахта майдони бириктилган. Бу бўлимларда ҳосилдорликнинг юқори бўлишида механизаторларнинг ҳиссаси катта. Бўлим механизатори Мирза Мирзаевнинг номи бутун районга машҳур. Пахтачиликни комплекс механизациялаштиришнинг чинакам устаси бўлган бу йигит шу кунга қадар ўз машинаси билан 200 тоннадан ошириб пахта терди. Эшмат Бобоев, Виктор Евдокимов, Бегали Азизовлар, М. Мирзаев билан бир сафда туриб меҳнат қилмоқдалар. Бундай механизаторлар совхозда ўнлаб саналади.

Совхоз азаматлари 2260 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олиш мақсадида шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Райондаги «Победа» колхози пахтачиликни комплекс механизациялаштиришда катта ишларни амалга оширмоқда. Бу хўжалик аъзолари шу йилнинг бошида «1560 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштирамиз, бу ҳосилнинг 90 процентини машиналар билан териб оламиз» деб сўз берган эдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқяптилар. Мустафо Абдиев, Турсунбой Қаршибоев, Хонимқул Раҳмонқулов, Ҳолиқ Абдуғаффоров ва бошқа механизаторларнинг машинада терган пахтаси ҳозир 170—190 тоннадан ошди.

Бу хўжалик ўзининг тажрибали пахтакорлари билан ҳам машҳурдир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўшбоқ Эгамназаров, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Қурбон Иброҳимовлар ана шундай тажрибали пахтакорлардир. Бу пахта усталари бошлиқ бўлган бригадалар ҳозир ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил олиб, биринчи ноябрга қадар гектаридан олинадиган ҳосилни 50 центнерга етказиб, ўз мажбуриятларини ошириб бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ленин номли колхоз аъзолари ҳам йил сайин катта ютуқларни қўлга киритишяпти. Уларнинг марраси бу йил 1950 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олишга қаратилган. Саидмирза Холмирзаев, Адолат Рўзиматова, Алиқул Аҳмедов, Қўниш Жўраев бошлиқ бригадалар ҳосилдорликни гектар бошига 45 центнерга етказишмоқчи.

Районнинг 60 минг тонналик улкан хирмонида 1, 2 ва 3-«Далварзин» совхозларининг ҳиссаси каттадир. Бу хўжаликларнинг ҳар бири 6,5—7,5 минг тоннадан пахта етиштиради.

...Деҳқонлар куз фаслини ардоқлаб «олтин куз» деб атайдилар. Бу фаслда боғларда турли хил мева ва узумлар шарбатга тўлиб, олтиндай товланиб пишади. Бепоён пахта майдонларида бебаҳо бойлигимиз «оқ олтин» чаноқларда тўлиб етилади. Саховатли олтин куз бу йил Бекобод далаларига ҳам барака бахш этмоқда. Далаларда ҳали ҳосил мўл. Кейинги кунларда ҳаво ҳароратининг бирмунча кўтарилиши гўза тупларидаги барча кўсакларнинг очилишига олиб келди. Райондаги мавжуд терим агрегатларидан ташқари 107 та кўсак териш машинаси ва 69 та подборщик ишга тушди.

Бекободликлар барча майдондаги ҳосилни тўла-тўкис йиғиб-териб олиб, ўз зиммаларидаги юксак мажбуриятларини тезроқ бажариш учун эўр иштиёқ ва баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Б. ШОНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Юқори Чирчиқ районидаги «Узбекистон» колхозининг беш қадам механизаторларидан ҳисобланган Амонқул Усмонов 195 тонна пахта терди. Суратда: Амонқул Усмонов.

Н. Ширинов фотоси.

БИНОКОРЛАР ҒАЙРАТИ

23-қурилиш трестининг қўлигул бунёдкорлари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида жадал суръатлар билан ишламоқдалар. Трестнинг барча бўлинмаларида социалистик мусобақа пухта йўлга қўйилган, унинг натижалари муттасил якунланиб бормоқда ва голиблар моддий ҳамда маънавий томондан рағбатлантирилиятпи. Илғор иш усуллари ва прогрессив технология жорий қилинятпи, мавжуд бинокорлик машина-механизмларидан унумли фойдаланиляпти.

Натижада коллектив фаолиятининг иш натижалари жуда салмоқли бўляпти. Давлат планлари ой сайин ортиги билан адо этилаяпти. Шу йилнинг ўтгач тўққиз ойида капитал маблағ ўзлаштириш топшириги 110 процент қилиб бажарилди. Бу белгиланганига нисбатан салкам 1 миллион 340 минг сўмлик кўпдир. Коллектив ўз кучи билан ҳам топшириқдагидан анча кўп ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқда. Бу соҳа бўйича кўрсаткич 113 процентни ташкил этди.

Меҳнатсевар бинокорлар уйжой қурилиши соҳасида юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бундай объектларни жадал барпо этиш йўлида фидокорлик кўрсатаётган коллектив тўққиз ой мобайнида салкам 16,5 минг квадрат метрга яқин тураржойни фойдаланишга топширдилар. Бу пландагига нисбатан 2,2 баравар кўпдир.

Пешқадам трест коллективи шу кунларда қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлашга астойдил аҳд қилиб ишлаяпти. Бу эса янги-янги меҳнат зафарлари қўлга киритилиши учун гаровдир.

ЯНГИ МАГАЗИНЛАР

Калинин районидаги Навоий номли колхознинг Култепа қишлоғидаги магазин аҳолининг талабига жавоб бермай қолди. Район матлубот жамияти ходимлари қишлоқ марказига янги типдаги магазин қуришни планлаштирдилар. Ўтган йили қурила бошланган ана шу савдо объекти яқинда фойдаланишга топширилди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, оёқ кийимлари билан савдо қиладиган янги магазин хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Бундан ташқари Кўктерак қишлоғида ҳам китоб билан савдо қилувчи магазин фойдаланишга топширилди. Пойтахтимизнинг Қорақамиш массивида газламалар билан савдо қилувчи магазин ишга тушрилди.

Т. ЖЎРАЕВ,
А. НОРҚУЛОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЯҚИН ШАРҚДАГИ АҲВОЛ

ЎТ ОЧИШНИ ТЎХТАТИШ КЎЧГА КИРДИ

24 октябрь эрталаб соат 8 да Миср — Исроил фронтида БМТ кузатувчилари воситачилигида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида бир битимга келишди. Кузатувчилар қўйиладиган жойларни аниқлаш мақсадида БМТ кузатувчилари миссиясининг бошлиғи билан кенгаш ўтказилди.

Миср ҳукуматининг Қоҳирада эълон қилинган баёнотида таъкидлаб ўтилишича, хавфсизлик кенгашининг ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги 22 октябрь резолюциясини Исроил қўшинлари бузганлиги қасддан қилинган ҳаракат бўлди, деб таъкидланади. «Исроил резолюцияни бузганлиги ва авиацияни ишга солиб, кеча кенг миқёсда бошлаб юборган ҳужуми — Тель — Авив ўзининг ҳарбий аҳволини яхшилаб олишга интилаётганлигидан далолат беради». Хавфсизлик кенгашининг резолюцияси Исроил ҳукуматининг бевосита кўрсатмаси билан бузилди, бунинг учун бутун дунё олдида Исроил ҳукумати жавоб бериши лозим, деб таъкидланади баёнотда.

Миср ҳарбий қўмондонлигининг маълумотларига қараганда, Миср қуролли кучлари Порт — Саиддан тортиб Сувайшгача фронтнинг ҳамма участкаларидаги аҳволни назорат қилиб турибдилар. Хавфсизлик кенгашининг резолюциясига биноан 22 октябрда кучга кирган ўт очишни тўхтатишга миср қўшинлари риоя қилдилар, деди у. Аммо улар Исроил қўшинларининг фронтнинг жанубий участкасидаги янги районларни босиб олиш учун қилган уринишларига ҳамда исроил авиациясининг Миср позицияларига ва тинч граждан объектларига қилган ҳужумларига жавобан ўт очишга мажбур бўлдилар. «Миср араб республикасининг қуролли кучлари душманга кескин зарба бериш ва унинг планлари рўёбга чиқарилишига йўл қўймаслик учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришга ўзларини ҳақли деб ҳисоблайдилар», деб уқтирди вакил.

Тель — Авивдан олинган хабарларда Исроил қўшинлари Сувайш каналининг ғарбий соҳилида Исмоилия яқинидаги шаҳарчалардан тортиб Катта Аччиқкўлгача бўлган территорияни ўз қўлларида сақлаб турибдилар, деб даъво қилинади.

(ТАСС, 24 октябрь)

МАЖБУРИЙ КУРИЛГАН ЧОРА

ЛОНДОН. 25 октябрь. (ТАСС). Англия ҳукуматининг сешанба куни бўлиб ўтган мажлисида мамлакатда нефть запаслари масаласи муҳокама қилинди. Ҳукумат мамлакатда ёқилғи заҳаралари камайиш хавфи борлигини назарда тутиб аҳолига ёнилғини тежаб сарфлаш тўғрисида мурожаат қилди. Кабинет аъзолари Яқин Шарқдаги аҳволни муҳокама қилгандан кейин шундай қарорга келдилар, деб хабар берилди газеталарда. Маълумки, Англия истеъмол қиладиган нефтнинг қарийб учдан икки қисмини Яқин Шарқдан олиб турибди.

Ҳозирги вақтда нефть ва нефть маҳсулотларини тақсимлаш устидан контроллик қилиш соҳасида Англия ҳукуматига кенг ваколатлар берувчи махсус қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Ҳукумат бензинни ва бошқа нефть маҳсулотларини норма билан бериш планини тузиб чиқди.

БЕЛГИЯДА ИШСИЗЛАР СОНИ

БРЮССЕЛЬ, 25 октябрь. (ТАСС). 1973 йил сентябрь ойи охирларида Бельгияда 101.283 нафар тамомила ёки қисман ишсиз бор эди. Шу йил август ойига нисбатан мамлакатда ишсизлар тахминан 4 процент кўпайди.

ЎТАКЕТГАН СУРБЕТЛИК ВА МУНОФИҚЛИК

КАРАКАС, 24 октябрь. (ТАСС). «Маочи раҳбарлар бирдамлик ва интернационализм тўғрисида кўп оғиз кўпиртирганликлари ҳолда амалда шу принципларга мутлақо тўғри келмайдиган позицияда турибдилар», — деб ёзади Венесуэла коммунистларининг «Трибуна популар» газетаси. Маоизм Чили ҳарбий-фашист хунтасини танишга шошилиб, халқ бирлиги ҳукуматининг вакили бўлмиш элчини мамлакатдан чиқариб юборганида ўзининг ҳақиқий башарасини яна бир марта кўрсатди. Бундай сиёсат Пекиндаги раҳбарларнинг ўзларини гўё «учинчи дунё» мамлакатларининг бирдан-бир ҳақиқий вакилидирмиз» деган гапларининг қадрини нима эканлигини яққол намойиш қилади, деб таъкидлайди «Трибуна популар».

Газета маочиларнинг ҳамма ёққа жар солиб, биз «Чили революционерларининг энг яхши ҳимоячиларимиз» деган декларацияларини «ўтакетгач мунофиқлик ва сурбетлик», деб атайди. Ҳозирги вақтда маочилар хунтага амалий мадад беришдан ташқари Чили ватанпарварлари билан бирдамлик изҳор этилишига ҳар қандай йўл билан тўсқинлик қилишга уринмоқдалар. Улар ҳарбий хунта президент Сальвадор Альенде ўлдирганлиги тўғрисида ломим демадилар. Улар фашист ҳарбийлар қамоққа ташлаган Чили Компартияси Бош секретари Луис Корвалан ҳаётини ва бошқа сиёсий маҳбуслар ҳаётини қутқариб қолиш учун бошланган халқаро кураш кампаниясида қатнашишдан бош тортдилар.

Президент Альенде ҳалок бўлган кунга бир ой тўлганида Пекиндаги Чили элчихонаси унинг хотирасини эслашига йўл қўйилмаганлиги Мао группасининг яна бир шармандали қилиғи бўлди, деб ёзади газета. Пекинлик маъмурлар Чили халқ ҳукуматининг элчиси Армандо Урибени ўз ҳузурларига чақириб, «уни бундан буёғи Чили дипломатия миссиясининг бошлиғи деб танимасликлари» важидан Урибе бундай ҳурмат маросимини ўтказа олмаслигини билдирдилар.

Аммо, Чжоу Энь-Лай Чили ҳарбий хунтаси вакилларини зиёфатга таклиф этди. Шу билан маочилар социализм ва пролетар интернационализми ишининг ҳоини сифатидаги ҳақиқий башараларини яна бир марта кўрсатдилар, деб давом қилади газета.

АВТОМОБИЛЬ ЙУЛЛАРИДА ФАЛОКАТ

НЬЮ-ЙОРК, 25 октябрь. (ТАСС). Кеча Нью-Йорк яқинидаги тез юрар «Нью-жерси торпайк» йўлида 40 тадан кўпроқ енгил автомобиль ва учта оғир юк автомобили тўқнашди. Натижада 8 киши ўлди ва неча ўнлаб кишилар жароҳатланди. Бу воқеа Нью-Йорк «Нью-жерси» саноат районини қуюқ туман босган ва кўриш жуда қийин бўлган эрталабки пайтда содир бўлди.

Кейинги бир ҳафта ичида «Нью-жерси торпайк» йўлида шу билан иккинчи марта катта автомобиль фалокати юз берди.

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Польша Қўшинлари билим юрти талабалари ўз зиммаларига оширилган социалистик мусобақалар олиб ўқишмоқда ва меҳнат қилишмоқда. Билим юрти курсантлари «Польша қўшинларининг 30 йиллигини муносиб кутиб оламиз» шнори остида меҳнат қилиб катта муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Суратда: билим юртини тугаллаш олдида турган курсантлардан бир группаси.

О. Кривопалов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЮБИЛЕЙ ТАРАДДУДИ

Серқуёш республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли ярим асрлик юбилейига жойларда катта тайёргарлик бошланди. Кўпгина тарихий экспонатларни сақлаётган Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихий музейида ҳам шошилтўйга тараддуд қизғин.

Юбилей олдидан бу ерда янги бўлим ва экспонатлар ташкил этилади. Мавжудлари эса янада бойитилади, Юбилей муносабати билан «Ўзбекистон қардошлик онласида» деган бўлим ташкил этилмоқда. Ўзбекистон саноатн, қишлоқ хўжалиги ва маданияти эллик йил ичида қандай ютуқларга эришганлиги экспонатларда акс эттирилади, илғор кишилар ҳақида ҳикоя қилинади. Янги бўлимни ташкил қилишда музейнинг илмий ходимларидан Маннон Султонов, Бобохон Жабборов, Клавдия Кандалова, Нафиса Султонова ўртоқлар алоҳида ҳисса қўшмоқдалар.

Музей ходимлари шу кунларда юбилейга атаб лекция ва суҳбатлар ҳам ўтказмоқдалар.

ҲИССА

Пойтахтимиз жамолини очишда лойиҳачиларнинг ҳиссаси жуда катта. Улар бежирим турар-жой бинолари ва ажойиб жамоат бинолари лойиҳасини чизиб бермоқдалар. «Тошгипрогор»нинг 2-устахонаси ходимлари бу ишда ажойиб ташаббус кўрсатмоқдалар.

Яқинда бир группа лойиҳачилар Қўйлиқ массивида қурилаётган микрорайон лойиҳасини тақдим этишди. Бу ерда 20 дан ортиқ тўрт ва беш қаватли турар-жой бинолари барпо этилади. Микрорайонда мактаб болалар боғчаси ҳам бўлади. Бундан ташқари гастроном, марказий универмаг типидаги савдо шоҳобчаси ҳам қад кўтаради. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати хизматда бўлади. Мингдан ортиқ оила яшайдиган бу микрорайон қурилиши ҳадемай бошлаб юборилади.

МАТБААЧИЛАР ҲИММАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг бир группа ишчи ва хизматчилари областимизнинг Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозига чиқиб пахта йиғим-теримида хўжалик аъзоларига ёрдам беришди.

Улар баракали меҳнат қилиб 4000 килограммга яқин «оқ олтин» териб хирмонга топширдилар. Ҳар бир матбаачи ўрта ҳисобда 65 килограммдан пахта терди. Цинкография, қоғоз цехи хизматчилари меҳнатда намуна бўлишди. Т. ЮСУПОВ.

ЖОНЛАНГАН ЭРТАК

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

ҲАР бир санъат турининг ўзига хос ривожланиш ва ифодаланиш қонунлари мавжуд. Фотография санъати инсон маҳорати, изланиши ва кузатувчанлигининг техника юксаклиги ва қонуниятлари билан тўла уйғунлашиб кетганлиги тимсолидир. Фототасвир, фото — суръат, ҳам ҳақиқий санъат намунаси бўла олишини ҳозирги кунда ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Бунинг учун энг аввало фотомухбир, фотошқибози, санъаткор ҳиссига эга бўлиши лозим.

Ана шундай фотосанъаткорлардан бири республикамиз меҳнаткашларига ўзининг минглаб моҳирона олган суратлари билан яқиндан таниш бўлган кекса журналист, ҳозирги пайтда Новости матбуот агентлигининг фотомухбири Георгий Анатольевич Зельмадир. 68 йил муқаддам Тошкентда туғилган ва Ўзбекистон матбуот органларида фотомухбир сифатида шакилланган.

Эллик йилдан буён Зельма тоғ пиёда, тоғида туя, от миниб, тоғ автомобиль, самолётда серқуёш диёримиз бўйлаб кезади. Республикамиздаги жўшқин социалистик қурилишнинг бу фотомухбир назаридан четда қолган йўналишини топиш қийин. У халқ хўжалигининг барча соҳалари, фан, маданият ва санъатнинг барча турлари бўйича ўзбек халқи эришган ва эришаётган улкан ютуқларини кадрма-кадр ёритишга ҳаракат қилади.

Георгий Анатольевич ўзининг содиқ қуроли — фотоаппарати билан «Известия», «Красная звезда», «Огонёк» каби газета-журналлар мухбири сифатида дунёнинг жуда кўп мамлакатларини кезиб чиққан. Сафар натижаларини ўнлаб фотоочеркларда эълон қилган. У бир неча йил чет элдаги Владимир Ильич Ленин яшаган ерларни ўрганиши натижасида доҳий туғилган куннинг юз йиллигига атаб «Чет элдаги Ленин яшаган ерлар» фотоальбомини яратди. «Планета» нашриётида босилиб чиққан бу китоб севимли устоз ва улуғ доҳийимизнинг чет элларда яшаган даври ҳақида яққол тасаввур бера олиши билан совет ўқитувчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Зельма республикамиз ҳақида ҳам қатор фотоочерк ва китоблар яратган. Айниқса ўзбек олимлари ҳақидаги «Улуғбек авлодлари», машҳур композитор Тўхтасин Жалилов оиласи ҳақидаги «Музикага содиқ оила» каби фотоочеркларида бутун мамлакатимизга кенг тарқалган.

Кеча В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалида Георгий Анатольевич Зельма суратларининг музей ташаббуси билан тайёрланган махсус кўргазмаси очилди. Уни пойтахт жамоатчилиги иштирокида Ўзбекистон ССР Давлат матбуот, полиграфия ва китоб савдоси комитетининг раиси ўртоқ З. Е. Есенбоев қисқача кириш сўзи билан очди. Республикамизнинг таниқли журналистлари, кекса матбуот ходимлари, Георгий Анатольевич Зельманинг яқин ҳамкасабалари уни самимий қутладилар.

«Кўргазма республикамиз ҳаётидаги улкан тарихий воқеа — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланади, — ҳикоя қилади музей директори Ҳадича Раимовна Мусахонова. — Унда қўйилган 120 сурат серқуёш диёримизнинг Совет ҳокимияти йиллларида эришган ютуқларини катта маҳорат билан акс эттиради.

Кўргазма тайёрлаш бир неча ой муттасил меҳнат талаб қилди. Георгий Анатольевичнинг Москвадаги бой архивида сақланаётган Ўзбекистон ҳақидаги минглаб суратлар кўриб чиқилди. Бу машаққатли ишда автор билан биргаликда музей катта илмий ходими С. В. Эльчибекова фаол қатнашди. Натижада фақат 120 гина расм танлаб олинди. Кўргазманинг бадиий безатилиши республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби А. М. Коник раҳбарлигида амалга оширилди.

Қўйилган фотосуратларнинг барчаси жуда сифатли тайёрланган. Кўргазма тузилишидаги энг муҳим хусусиятларсмлар, томошабинга республикамизда бўлиб ўтган барча воқеалар, ўзгаришларни яққол таққослаш имконини яратиб беради. Биз учун кўпдан ўрганиш бўлиб кетган ютуқларимизнинг ҳақиқий моҳиятини атиги 30—50 йил аввал бўлган воқеаларни акс эттирувчи кадрлар билан танишишдагина яққол кўринади.

Мана, қудратли Октябрь садосини узоқ ва орзиқиб кутган мазлум Туркистонга хос аянчли кўринишларни акс эттирувчи қатор суратлар. Пастак, бир-икки кичик туйнукли зах уйлар, оддий меҳнаткашларнинг ғамгин, дардчил юз ифодалари, улардаги ниҳоятда юпун кийимлар. Эски тўнининг этагидан уруғни омоч зўр-базўр ҳайдаган ерга минг умид ва орзулар билан сочиб турган кекса деҳқон. Уз ерини суғориш учун бир неча кунлаб торгина ариқ бўйида сув навбатини кутавериб турган одамлар. Сувсизликдан «юзларини» минг ажин босган катта масофадаги ерлар.... Зельма суратлари Ўрта Осиё асрлар давомида ер учун ҳам қон, ҳам жон бўлган сувга қанчалик зор бўлганлигини ниҳоятда таъсирли кўрсатади.

Бу расмларнинг ёнида жўшқин социалистик — қурилиш жараёнида олинган кадрлар. Ўнлаб каналлар, янги суғориш системалари, қишлоқ хўжалигидаги замонавий техник жиҳозлар, гидроэлектр станциялари... Янги иншоотлар, улуғвор қад кўтариб турган юзлаб завод, фабрикалар, янги уйлар. Суратларда социалистик жамият тарбиялаган янги инсон, — совет кишисини, унинг янги оламга янгича, тетик, дадил, ишончли назарини кўрамиз.

Тинч меҳнат қурилиши завқидаги ўзбек халқининг даҳшатли уруш ларзасини эшитиб социалистик она Ватан ҳимоясига отланганлигини ва матонатли курашни акс эттирувчи нодир суратлар олдида киши узоқ туриб қолади. Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ ҳарбий фотомухбир сифатида фронтга жўнаган Георгий Зельма ўзбек жангчилари билан доимо яқин алоқада бўлди. Унинг бир суратида Волга бўйлари қирғоғидаги жанглардан сўнг ҳордиқ чиқараётган хоразмлик йигит Иброҳим Остақулов ва саратовлик Василий Никоноровни кўрамиз. Бу ердаги расмларда кишиларнинг чеҳралари ниҳоятда жиддий, вазмин, ўйчан, уларда душманга бўлган нафрат, ғалабага ишонч назари. Урушдан ярадор қайтган ўзбек аскарининг ўз ҳамқишлоқлари билан дала майдонида ўтказаётган фронтдаги воқеалар ҳақидаги суҳбати ёки биринчи ўзбек Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан Қўчқор Турдиевнинг фронт дан ғалаба билан қайтишини бутун қишлоқ аҳли беҳад шодлик билан кутиб олаётганлигини акс эттирувчи суратлари олдида киши ўз ҳаяжонини яшира олмайди.

Кўрсатилган қатор кадрлар Зельма ҳақиқий фотопортрет устаси эканлигини яна бир бор кўрсатади. Узбек халқининг асл фарзандлари Йўлдош Охунбобоев, Султонхўжа Қосимхўжаев, Собир Раҳимов, Ҳамид Олимжон, Ойбек, Шукур Бурҳонов, Комил Яшинларнинг фотопортретлари катта маҳорат билан олинган.

Г. А. Зельма фақат одамларни суратга туширадигина эмас, балки уларнинг келажаги, орзу-умидларининг рўёбга чиқишини диққат билан кузатиб боради. Суратлардан бирида Надежда Константиновна Крупская икки ёш ўзбек қизини оналарча меҳрибонлик билан бағрига қучиб олган. Бу 1936 йили Москвада рўй берган эди. Бу қизларнинг кейинги тақдири қандай бўлган? Зельма йигирма беш йилдан сўнг аввал улардан бири наманганлик камбағал деҳқон қизи, ҳозир қобилиятли шоира, йирик колхоз раисининг ўринбосари Тоштилла Расулова билан, сўнг иккинчиси — оддий ишчи фарзанди ҳозир Фарғона Педагогика институти тарих кафедраси мудири Осиё Фаёзова билан яна ўз фотоаппарати иштирокида учрашди...

Кўргазмадаги барча 120 расм олдида ўнлаб томошабинлар узоқ томоша қилаётганликлари, завқ олаётганликлари, хаёлга чўмганликларининг гувоҳи бўлдик. Суратлар ёнидан бефарқ ўтиб кетиш мумкин эмас. Кечанинг ўзидаёқ фикр ва мулоҳаза китобига кўплаб мақтов ва яхши таассуротлар ёзилди.

Бўлиб ўтган матбуот конференциясида Георгий Анатольевич Зельма кўргазма тайёрлашда катта ташаббус кўрсатган барча ташкилотларга, айниқса В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиали директори Ҳ. Р. Мусахоновага ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдириб, ҳамда ўз кўргазмасини музейга совға қилганлигини айтди.

Зельма асарлари жонажон диёримизнинг 50 йил давомида босиб ўтган тарихий йўлини ўзига хос санъат воситаси билан ёрқин акс эттиради. КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов Г. А. Зельманинг Ўзбекистон ҳақидаги охирги асарларига ёзган сўзбошисида, унинг фотосуратларини «эркин меҳнат шарафига куйланган ўзига хос гимн, халқ бахт-саодати тўғрисида, партиямиз улуғвор ишлари ҳақида, унинг ленинча миллий сиёсати донолиги ва тантанаси тўғрисида тўқилган оромбахш қўшиқдир», — деган эди.

Бу сўзлар ёзилган китобни Георгий Зельма «Жонли эртак» деб номлаган. Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг аянчли ўтмиши ва ҳозирги равнақи эртаклардаги кескин ўзгаришни эслатади. Аммо гўзал диёримизнинг бугунги камоли ва жамоли, тақдири ҳақиқат, ҳақиқий ҳаёт ва айни пайтда ўлмас ленинчи ғоялар асосида жонлантирилган эртакдир.

С. САИДҚОСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.00 — «Келажакни кўзловчилар». Сирдарё областидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Ленин мукофоти лауреати Жавод Кўчиев ҳақида суҳбат. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — «Ёшлик». 19.30 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Ахборот. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.35 — Ўн минут музика. 20.45 — Ахборот. 21.05 — «Бўстон» тележурнали. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. Пахтакорларнинг меҳнат рапортлари. 22.45 — «Жизель» спектакли. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ Мультфильм. 11.40 — Телевизион бадиий фильм. 13.30 — МОСКВА. 18.50 — **Хоккей: СССР** биринчилиги. **ЦСКА — «Динамо»** (МОСКВА) 3- бўлим. 19.30— ТОШКЕНТ. Ҳужжатли фильмлар. 20.00 МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ, Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйсин. 22.30 — МОСКВА, УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент янгиликлари. 19.15 — «Тошкентнинг бугуни ва эртаси» 19.35 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — Концерт. 20.15 — **Ҳаётга йўлланма** (телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/X да **Корсар**, 27/X да **Князь Игорь**, 28/X да **Доктор Айболит** (кундуз соат 12 да), **Чио-чио-сан** (кеч соат 9 да).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/X да **Ёшликда берган кўнгил**, 27/X да **Кумуш тўй**, 28/X да **Ўжарлар**, 29/X да **Қайнона**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда; шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

КИНО

Телбалар ҳафтаси — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида (кундуз ва кечқурун), ҲАМЗА номли (14.30, 17.30, 20.30), «КЎКЧА» 17.00, 20.00).

Иван Васильевич касбини ўзгартирмоқда — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун). «КЎКЧА» (11.00, 13.00, 15.00). «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 20.00, 21.45).

Решма ва Шера — С. РАҲИМОВ номли (14.00, 18.00, 21.30).

Эпчиллик, жаноби олийлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Санников ери — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда), «МИР» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Синов — Ғ. ҒУЛОМ номли (11.00, 15.00, 19.00, 20.30), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Прерия — Ғ. ҒУЛОМ номли (13.00, 17.00).

Фидокор яланоёқлар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), ҲАМЗА номли (11.00, 13.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Ўгай она — «ЧАЙКА» (14.00, 18.00).

Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузашти — «СПУТНИК» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.00, 22.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

4 НОЯБРДАН 12 НОЯБРГАЧА

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

ҲАР КУНИ УЧ МАРТА БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ КЎРСАТИЛАДИ

РСФСР халқ артисти **ВЕНЕДИКТ БЕЛЯКОВ** раҳбарлигидаги

«Рус арғимчоқлари» аттракциони

Томошалар кундуз соат 12, 3 ва кеч 5 яримда бошланади. Олдиндан билет сотиш кассаси ҳар куни эрталаб соат 10 дан ишлайди.

Цирк олдида 1-«Экспресс» 1, 4, 19, 24, 25, 30, 41, 49, 52, 54, 74-автобусларнинг сўнгги бекати жойлашган.

Спорт

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИЛАР

Шайбали хоккей бўйича «А» класси иккинчи группа командалари (Шарқий зона) ўртасида мамлакат 28-чемпионати мусобақалари бошланди. Чемпионатда учинчи марта қатнашаётган Тошкент хоккейчилари бу йил зона голиби бўлишга аҳд қилганлар.

13 команда ўртасида «А» класси биринчи группасига ягона йўлланмани олиш учун дастлабки учрашувлар бўлди. Пойтахтимизнинг «Бинокор» хоккейчилари биринчи турда Березникининг «Титан» коллективини қабул қилдилар. Биринчи кун ҳамшаҳарларимиз осон ғалабага эришдилар. Буни йирик ҳисоб ҳам кўрсатиб турибди — 7:3. Рақиблар эртасига қайта муз устига чиқдилар. Бу сафар «Бинокор» меҳмонларнинг кучли қаршилигини ҳис этди. Шунга қарамай тошкентликлар 3:2 ҳисобида ютиб чиқишди.

«Юбилей» спорт саройидэ навбатдаги ўйинлар 28—29 октябрда бўлади. Тошкент хоккейчилари Нижний Тагилнинг «Спутник» командасини қабул қиладилар.

УЧ ПЕШҚАДАМ

Андижонда ўтаётган Ўзбекистон футбол чемпионатининг иккинчи туридан сўнг уч команда учтадан очкога эга бўлиб олдинга ўтиб олди. Булар Тошкентнинг «Старт», Навоийнинг «Сўғдиёна» ва Самарқандниг «Строитель» командаларидир. Навоий футболчилари ўтган чоршанба куни Тошкентнинг «Трактор» коллективини йирик ҳисобда мағлубиятга учратдилар — 4:1. Иккита ўйинда дуранг натижа қайд қилинди: «Мотор» (Гулистон) — «Меҳнат» (Марғилон) — 2:2, «Старт» — «Строитель» — 1:1.

Эртага навбатдаги тур ўйинлари бўлади .

«АРАРАТ»НИНГ ЮТУҒИ

СССР чемпионатининг пешқадами ва мамлакат кубоги эгаси «Арарат» футболчилари олтин медалларга жуда яқин келиб қолдилар. Улар Москвада ЦСКА командаси билан бўлган учрашувни 1:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилдилар. Бу муҳим тўпни Иштоян биринчи бўлимда киритди. Арман футболчилари кейинги уч йил ичида Москва стадионларида битта ҳам мағлубиятга учрамагандикларн диққатга сазовордир.

СССР чемпионлигига даъвогар бўлиб турган «Арарат» командаси 28 октябрь куни ўз майдонида «Зенит»ни қабул қилиб, мусобақаларни якунлайди.

ЕВРОПА СОВРИНЛАРИ УЧУН

Ворошиловграднинг «Заря» футболчилари Европа чемпионлари кубоги учун иккинчи давра мусобақасининг биринчи матчни Чехословакиянинг «Спартак» (Трнава) клуби майдонида ўтказдилар. Ўйинда ташаббус кўп вақт спартакчилар томонида бўлди. «Заря» муваффақиятли ҳимояланиб, учрашувни 0:0 ҳисобида тугатди. Кучли рақиб майдонидаги дуранг натижа ворошиловградликларнинг кейинги даврага чиқиш имкониятларини оширади.

Ўтган чоршанба куни УЕФА кубоги учун ҳам мусобақалари бўлди. Бунда Тбилиси динамочилари Белграднинг ОФК футболчиларини 3:0 ҳисобида енгдилар. Тўпларни Киппани ва ака-ука Нодиялар киритишди. Киев динамочилари Даниянинг «БК-1903» командаси билан кучсинашиб, катта устунликка эришган бўлсада биргина тўп кирита олди. (Буряк).

ФЕСТИВАЛЬ ЛАУРЕАТИ

«Биз — ватанпарвар-интернационалистлармиз» деган шиор остида ўтказилган ҳаваскорларнинг Бутуниттифоқ фестивали «Радуга» цирк коллективига ҳам катта қувонч келтирди. Ленин орденли Олмалиқ кон-металлургия комбинати маданият саройи ҳузурида ташкил топган бу ижодий коллектив муваффақиятга эришиб, фестиваль лауреати бўлди.

Цирк артистлари шу корхонада у ёки бу касбда меҳнат қилади. Дурадгор Собир Очилов, слесарь Олег Буханцев ва бошқалар ижро этган цирк номерлари оригиналлиги билан ажралиб турибди.

Ҳаваскорлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллигига янги программа тайёрлаша киришди.

ВЕТЕРАНЛАР ФОТО ТАРИХИ

«Ўзбексельмаш» кадр ишчиларининг фото альбомида тўрт юздан ортиқ сурат-портретлар ва группа бўлиб тушилган расмлар бор. Бу фотосуратларда Ростовдан Тошкентга ускуналари билан кўчиб келган «Красний Аксай» заводининг ишчилари, янги цехларни қурган, ватанни ҳимоя қилиш учун фронтга жўнаб кетишдан олдин дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштирган кишилар тасвирланган.

Альбом муаллифи — энг кекса машинасоз инженерлардан бири Я. А. Молодчик бўлиб, у шу заводда ҳозир ҳам меҳнат қилмоқда. Я. А. Молодчик заводда ана шу фотографияларни бир неча йил мобайнида тўплаб келган Бу суратларни Москва, Ленинград, Киев, Ростов, Одессадан шу заводнинг дастлабки меҳнатчиларн турли вақтда кетиб қолган бошқа кўпгина шаҳарлардан сўраб олган.

Касаба союз кутубхонасига туҳфа қилинган альбом суратлари остида муфассал тексти бор. Еш ишчилар ҳузурида сўзга чиқишга ҳозирлик кўраётган жамоат ташкилотларининг активистлари заводнинг бу фото тарихи билан танишиб чиқмоқдалар.

(ЎзТАГ).

АХБОРОТ

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

МОСКВА. РСФСРнинг ОСВОД марказий Советига қарашли лабораторияда янги учувчи аппарат ихтиро қилинди. Суратда: (чапдан ўнгга) лойиҳа раҳбари А. В. Гремяцкий, учувчи А. А. Балуев ва бош инженер Е. П. Грунин учишнинг навбатдаги программасини муҳокама қилишмоқда.

В. Корзин фотоси.

●

МОЛДАВИЯ ССР. МССР Олий Советининг депутати Е. В. Будиштян «Молдавкабель» заводининг энг илғор ишчиларидан ҳисобланади. Бу меҳнаткаш аёл смена топшириқларини олти соатда бажармоқда. Суратда: Е. Будиштян (ўртада) ёш ишчилар билан тажриба алмашмоқда.

Б. Канинин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ОРОЛ-ПАЙҒАМБАР ТЎҒРИСИДА

Жийда ва туранга дарахтларидан иборат қалин тўқайзор. Унинг ёнида эса сап-сариқ барханлардан иборат чўл. Амударёнинг бошидан қулоч ёзган орол-пайғамбар ороли кўзга шундай ташланади. У минг гектардан сал кўпроқ унча катта бўлмаган бу майдонда Ўрта Осиёдаги бир қанча иқлим зоналарига мансуб ўсимлик ва ҳайвонот оламининг намуналари ёнма-ён турибди. Лекин Бухоро хонгул оҳуси хушманзара оролнинг асосий бойлигидир. Бу жонивор камдан-кам учрайдиган ва мутлақо қўриқланадиган жониворларнинг халқаро «қизил китоби»га киритилган. Орол-пайғамбардаги хонгулни ва бошқа жониворларни асраш ҳамда ўрганиш учун бу ерда бундан ўн уч йил муқаддам қўриқхона ташкил этилган эди. Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг зоология ва паразитология институти ходимлари олиб бораётган мунтазам илмий иш ўшанда бошланган эди.

«Орол пайғамбар қўриқхонаси ва унинг фаунаси» деган тўплам ана шу иш натижаларига бағишланган бўлиб, бу китоб «Ўзбекистон» нашриёти томонидан чиқарилган. Тўпламда оролдаги жониворлар дунёси муфассал тасвирланган.

(ЎзТАГ).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916. Масъул секретарь — 834808 пропаганда ва адабиёт-санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши ва ахборот, спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги ва фан мактаб, олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142. Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64634. В. 1850. Р—03784.